

---

Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзодбек Юлдашевнинг Янги йил табриги

**Азиз ва муҳтарам ватандошлар!**

Бетакрор диёримизга янги – 2022 йил кириб келмоқда.

Сиз, муҳтарам отахон ва онахонлар, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимиз, бутун Ўзбекистон тумани аҳлини янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва қувонч тилайман. Поёнига етаётган 2021 йилда туманимиз ҳаётида яхши кунлар, улкан ютуқ ва марралар кўп бўлди.

Яқинлашиб келаётган 2022 йилда ҳам туманимиз ривожини, ҳалқимиз фаровонлигини йўлидаги барча мақсад ва режаларимиз унумли бўлсин.

Мана шу қувончли дамларда Сиз азизларни яна бир бор Янги йил байрами билан самимий муборакбод этиб, юртимиздаги ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, бахт ва омад ҳамда фаровонлик тилайман.

Янги – 2022 йилнинг қадами жонажон Ватанимизга қутлуғ ва баракали келсин!

**Шерзодбек Юлдашев,**

**Ўзбекистон тумани ҳокими**

2021-12-31 11:49:40